

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРҒИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА МОХИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10837698>

**Рўзиев Машхур Мансурович**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факултети сиртқи таълим 1-босқич тингловчиси, подполковник*

### **Аннотация**

*Мазкур мақолада маънавий-маърифий ишлар ва замонавий тарғибот технологиялари тушунчаси ва моҳияти ҳақида сўз юритилади.*

### **Калит сўзлар**

*Ички таҳдидлар, Ташки таҳдидлар, терроризм, сепаратизм, миллатлараро муносабатлар, ҳукумат ва бошқарув.*

Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларининг қулланилиши узининг ижобий томонлари билан бирга салбий жihatларини ҳам намоён этмоқда. Жумладан, инсон калби ва онгини эгаллашга булган мафкуравий, Ғоявий ва информоцион хуружлар кучайиб бораётган бир пайтда, турли халқаро сиёсий кучлар уз мақсадларига эришиш йулида, улардан фойдаланиб давлатларнинг маънавий ҳаётига таҳдид қилишга уринмоқда.

Маълумотлар таҳлилига кура, Ўзбекистан Республикасига қарши маънавий таҳдидларнинг аксарият қисми (80-90 фоиз) қурғазмали-намоёйишқорона шаклда, Интернет ресурслари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, маънавий таҳдидларнинг ОҒзаки ва ёзма қуринишлари эса кам миқдорни ташкил қилади.

Хусусан, 2017 йилда хорижий ОАВда Ўзбекистан тўғрисида ҳар ойда жами 3000-5000 атрафида маълумотлар тарқатилмоқда. Ушбу ахборотларнинг уртача 60 фоизи Интернет, 26 фоизи телевидение ва 14 фоизи радио хиссасига тўғри келиб, умумий олганда, уларнинг 25 фоизини бирёклама мазмундаги ахборотлар ташкил этмоқда. Таҳлил натижаларига кура, Интернет ОАВдаги маълумотларнинг уртача 33 фоизи, радиода 25 фоизи, телевидениеда 2 фоизи шундай характерга эга.

Сунгги вақтларда Ўзбекистон Республикасидаги маънавий ҳаётга хавф солаётган таҳдидларни икки турга ажратиш мумкин.

10

Ички таҳдидлар:

- эл-юрт тақдирига лоқайдлик;
- маҳаллийчилик;
- урус-аймоқчидик;
- оилавий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик кабилар.

Ташки таҳдидлар:

- терроризм;
- диний экстремизм;
- акидапарастлик;
- сепаратизм;
- одам савдоси;
- оммавий маданият;
- нарқобизнес ва бошкалар.

Шу билан бирга, Ўзбекистонга қарши қаратилган маънавий таҳдидларнинг асосий қуринишлари сифатида қуйидагиларни қурсатиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси тўғрисида турли хорижий ОАВ орқали нотўғри ва ноҳолис ахборотларни тарқатиш йули билан аҳолида давлат ҳокимияти ва бошқарувиға нисбатан норозилик қайфиятини келтириб

чиқариш ва қучайтиришға қаратилган уринишлар;

- Ўзбекистон

халқининг тарихи,

маданият

ва маънавий

кадриятларини бузиб қурсатиш орқали аҳолини узлиғидан маҳрум этиш ва

миллий Ғурурини йукотишға уринишлар;

- ахлоқсизлик, зуравонлик ва жамият учун зарарли бошка иллатларни тарғиб этувчи аудио, видео ва босма маҳсулотларни тарқатиш воситасида маънавий емириш;

- турли хил халқаро институтлар номидан фаолият олиб бориб, кенг жамоатчилик ва мамлакат аҳолиси орасида Ўзбекистоннинг салбий образини шакллантиришға уринишлар;

- мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар ҳамда диний вазиятга оид ахборотларни нотугри ва ноҳолис ёритиш ортали ушбу соҳаларда бекарорликни келтириб чиқариш ва кучайтиришга қаратилган ҳаракатлар;

- сиёсий вазиятни бекарорлаштириш мақсадида диний экстремизм ва сепаратизм тарғиботини амалга ошириш;

- демократия, оммавий маданият никобларидан ҳамда эгоцентризм ва космоцентризм каби Ғоялардан фойдаланган ҳолда аҳолига мафқуравий таъсир қурсатиш;

- ҳукумат ва бошқарув органларининг ахборот таъминотини суғлаштириш, идора қилишга оид янглиш қарорлар чиқарилиши учун иттиҳорчиқ ишларини олиб бориш;

- аҳоли орасида давлат органлари ҳамда вазирлик ва идоралар фаолиятига оид ёлғон маълумотлар тарқатиш ва уларни обрусизлантириш.

Таъқидлаш лозимки, маънавий таҳдидлар хавф-хатарларнинг бошқа турларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

биринчидан, латент ҳолатда булиши;

иккинчидан, арзимасдек туюлиши;

учинчидан, ОАВнинг имкониятларидан қуч олиши;

туртинчидан, етқазиладиган зарар миқдорининг юқорилиги.

Таҳдидларнинг бошқа турларини сезиш, қуриш, олдини олиш мумкин. Аммо маънавий таҳдидлар, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илҒаб етиш ниҳоятда мушқул.

Шу сабабдан, маънавий таҳдидларнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва фуқаролар, айниқса ёшлар онгида уларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш учун маънавий-маърифий ишларни самарали тарзда йулга қуйиш талаб этилади.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда

қулланиладиган

“замонавий тарғибот технологиялар”

тушунчаси

моҳиятини тулик очиш учун унга алоқадор атамаларни аниқлаб олиш қерак булади.

Маънавият (араб. маъно, маънолар мажмуаси) - моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми булган ижтимоий ҳодисадир. Ушбу тушунча замонавий ижтимоий тафаккур ривожидида биринчи бор Ўзбекистан Республикасининг биринчи Президенти Ислон Қаримов томонидан илмий-фалсафий таърифланиб, назарий

жихатдан асослаб берилган. Таърифга кура, Маънавият инсонни рухан покланиш, калбан улфайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакуват, иймон-эътиқодини бутун киладиган, виждонини уйфотадиган бекиёс куч, унинг барча карашларининг мезонидир<sup>1</sup>.

Маърифат эса (араб. - билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш) - табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуи ҳисобланади. Ушбу тушунча илк бор Европада немис файласуфи И.Кантнинг “Маърифат нима” номли мақоласи чоп этилганидан сунг кенг кулланила бошлаган<sup>2</sup>. Маърифат инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор булган жихатларини акс эттирувчи тушунчадир. Демак, маърифат деб, инсоннинг умумий маънавий маданияти, савиясини юксалтиришга каратилган таълим ва тарбиявий билимларга айтилади.

Маданият тушунчаси булса (араб. шахарга оид, фаровон маскан, тараккиёт учоғи) - табиат ва узаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг узига хос шакли.

Маънавият, маърифат ва маданият, узаро боғлиқ ҳолда доимо бир-бирини тулдириб бойитиб боргани сабабли уларнинг бирикмасидан маънавий-маърифий ишлар ва маданий-маърифий тадбирлар, маънавий тирғибот-ташвиқот тушунчалари ҳосил булган.

Маънавий-маърифий ишлар ва маънавий тарғибот-ташвиқот тушунчалари уртасида мазмунан яқинлик мавжуд. Бирок, маънавий-маърифий ишлардан фаркли равишда маънавий тарғибот-ташвиқот нисбатан кенг тушунча булиб - муайян гуруҳ, миллат, жамият, ирк, этник гуруҳ, худуд халқларига маънавий тушунча ва тамойилларни сингдиришга каратилган тизимли ва мақсадли маърифий фаолиятни ифодалайдиган жараён ҳисобланади.

Маънавий-маърифий ишлар эса, кенг оммани маънавий ва маърифий жихатдан тарбиялаш, уларнинг умумий маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, буш вақтларини самарали утказишга кумак берувчи тадбирлар тизимидир<sup>1</sup>.

Маънавий-маърифий ишлар уз хусусиятига кура турли таҳдидларга карши давлат сиёсатининг расман эълон қилинган Ғоявий-мафқуравий кураш усулини англатади. Шу сабабдан, юқоридаги хар иккала фаолиятни ҳам маънавият, маданият, таълим соҳасида кучли билим ва малакага эга тарғиботчилар томонидан амалга оширилади.

Маънавият тарғиботчиси - маънавият соҳасидаги янгиликлар ва ахборотларни таркатувчи, кишиларни эзуликка даъват этувчи, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларидаги илгор жараён ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиб, бу борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш буйича хабар, маълумот, таклифларни оммага таркатувчи шахс. Кенг маънода ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, яъни маънавият билан шуғулланади ва ижтимоий-сиёсий, Ғоявий, ахлокий кадриятларни тарғиб қилади. Тор маънода эса, у фаолияти маънавият, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган шахсни англатади 2.

Шунингдек, маънавий-маърифий қарашларни аҳолининг кенг қатламлари онгига сингдириш тарғибот ва ташвиқот жараёни орқали амалга оширилади.

Тарғибот (арабча кизиктириш, таркатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий Ғоя ва кадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият.

Ушбу суз лотин тилида (propaganda - таркатилиши керак бўлган маълумот) - ОҒзаки ёки оммавий ахборот воситалари орқали муайян Ғояларнинг жамоатчилик онгида оммалаштиришга йуналтирилган фаолиятни билдиради 1.

Хозирга кунгача илмий адабиётларда - тарғибот тушунчасига қўшма таърифлар келтирилган. Уларнинг аксарияти бир-бирини у ёки бу даражада такрорлайди.

“Тарғибот” - сиёсий, фалсафий, илмий, бадиий фикр ва Ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш мақсадида олиб бориладиган оммавий амалий фаолият 2.

“Тарғибот” - ахборотни таркатиш, фактлар, далиллар, миш-мишлар, ярим ҳақиқат ёки ёлғонлар орқали жамоатчилик фикрига таъсир қўриш воситаси 3.

Шунингдек, тадқиқотчилар Л.Дуба ва Ж.Эллуллар 4нинг таърифига қўра, “Тарғибот” - томошабинларни фикрлаш ва хатти-ҳаракатини назорат қилиш учун олдиндан режалаштирилган мақсадли рухий таъсир қилиш воситаси.

Россиялик социолог П.С. Гуревич “Тарғибот бу - хар кандай Ғоялар, карашлар ва билимларни жамиятда ёйишдир” деган таърифни илгари сурган.

Уз навбатида Тарғиботчи томонидан фукароларга давлат микёсида кабул килинган Ғояларни сингдиришда кулланиладиган усул ва воситалар технология деб аталади. “Технология” тушунчаси эса, грекчадан олинган булиб, *techne* - санъат, махорат, *logos* - тафаккур, идрок, билим деган маънони англатади ва бу асосан ишлаб чикариш соҳасига тегишлидир. Одатда, сифатли махсулот ишлаб чикариш мақсадида дастлабки материални кайта ишлаш жараёни технология деб аталади.

Утган асрнинг 60-йилларида компьютер воситаларини таълим тизими ва жараёнига киритилгандан сунг “технология” тушунчаси, маданий ҳамда ижтимоий соҳаларда ҳам кулланила бошлади. Шундан сунг “технология” тушунчасига аниклик киритишдан тортиб, барча технологик жараёнларни урганишга бағишланган махсус ва тахлилий педагогик ишларни сезиларли даражада ривожланди.

Бирок, хозиргача замонавий технологияларнинг долзарб муаммолари буйича мунозаралар якунига етмаган ва бугунги кунда ҳам олимлар “технология”нинг категориялари ва унинг таъсир соҳасининг мезонлари буйича баҳс олиб бормокдалар.

Умуман олганда, “технология” - бу махсулот тайёрлаш жараёнида ахборот, энергия, нарсаларни кайта узгартириш, материалларни ишлаш ва кайта ишлаш, тайёр махсулотларни йисиш, сифатини назорат килиш ва бошқариш усуллари дир. Шунингдек, хозирга келиб “Технология” атамасидан замонавий илм-фаннинг “таълим, даволаш ва бошқарув” каби йуналишларда ҳам фойдаланилмоқда.

Шундай килиб, “Технология” тушунчаси, кенг маънога эга. У инсоннинг аник, мураккаб жараённи кетма-кет узаро боғлиқ харакатлар тизимига таксимлаш орқали кафолатли натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар, воситалар, йуналишларни ифодалайди.

Бугунги кунда таджикотчилар томонидан технология ва унинг бир канча турларига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд.

Жумладан, Е.И. Григорьев таъбирича, “технология - бу ижтимоий-маданий фаолият услуги, шакли ва воситаси булиб, ундан укув жараёнида фойдаланиш билан бирга, таълим ва тарбия соҳасида муайян режалаштирилган натижаларга эришишга ҳам кумак беради<sup>1</sup>”.

Шунингдек, Т.Г. Киселева ва Ю.Д. Красильниковлар “ижтимоий-маданий фаолият технологиялари” тушунчасини тарихий ва замонавий тажрибалар, маданий, маърифий ва қушгина давлат ҳамда минтаха халқлари турмуш тарзи ҳисобига доимий равишда тулдириб боришнинг функционал ва ижтимоий методикаларнинг умумий мажмуи сифатида ифодалаган<sup>2</sup>.

Колаверса, “технология” атамаси сиёсий фанларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу тушунча узида восита, амалиёт ва фаолият жараёнини ҳамраб олган. Ушбу фаолиятни бошқариш учун керакли бўлган маълумотлар, билимлар, кадрлар ва бошқа ресурсларни мужассам этган ҳамда мавжуд ижтимоий тизимга таъсир этадиган ва уни узгартирадиган ихтисодий, ижтимоий, экологик хусусиятларга эга бўлган тизим тушунилади<sup>3</sup>.

Таъкидлаш кераки, сиёсий фанларда бундан ташқари “сиёсий технологиялар”, “сиёсий фаолият технологияси”, тарғибот технологиялари атамалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири узининг маъно-моҳиятига эга.

“Сиёсий технологиялар” деганда сиёсий муаммоларни ҳал этиш методлари, сиёсатни тузиш ва уни амалга ошириш ҳамда амалий сиёсий фаолиятни руёбга чихариш тушунилади.

“Сиёсий фаолият технологияси” эса маълум мақсадларга эришиш йулида сиёсат объектига таъсир этиш учун хулланиладиган метод ва усулларнинг комплекс тизимини узида мужассам этади<sup>4</sup>. Ушбу технологияларни қайси соҳада қўллаш, одатда сиёсат субъектлари томонидан ишлаб чиқилган сиёсий йуналишдан ҳамда уз олдиларига қўйилган сиёсий мақсад ва вазифалардан келиб чиқади.

Бундан ташқари, И.А. Шевченко уз илмий ишида сиёсий Интернет-технологиялари тушунчасига қўйидагича таъриф келтирган: “Сиёсий интернет-технологиялар - бу сиёсий коммуникация тизимидаги мақсадларга эришишнинг янги усули бўлиб, унинг асосий жиҳати амалдаги сиёсий муаммоларни ҳал этишга йуналтирилганлигидир. Бирок, виртуал ҳақиқат шундаки, Интернет-технологиялар сиёсий бетараф бўлиб, уларни жамиятдаги барқарорликни таъминлаш учун ҳам, беқарорликни юзага келтириш учун ҳам қўллаш мумкин<sup>1</sup>”.

Шунингдек, Н.В. Кондрашина ҳам уз илмий ишида “сиёсий интернет - технологиялар” тушунчасига қўйидагича таъриф берган: “Сиёсий интернет-технологиялар - ҳукумат билан фуқаролар уртасида узаро алоқа ва муносабатларни урнатилган аниқ йуналтирилган усуллар йисиндиси бўлиб, у қўл холларда жамиятдаги қарашларни узгартиришга зарурат бўлганда юзага келади<sup>2</sup>”.

Бундан ташкари, олиб борилган тахлиллар натижасида “Интернет-технологиялар” куйидагича умумий таърифлар берилганлиги аникланди.

Интернет-технологиялар - бу Интернет тармоғида турли ахборот ресурсларини тузиш ва ривожлантириш технологиялари, яъни, сайтлар, блоглар, форумлар, чатлар, электрон кутубхоналар ва энциклопедиялар<sup>3</sup>.

Колаверса, А. Киличов ташвиқот интернет-технологиялар тушунчасига уз таърифини ишлаб чиққан. Унинг таърифига кура, “ташвиқот интернет-технологиялар”- бу Интернет тармоғи орқали жамиятдаги қарашларни шакллантириш, узгартириш ва уларга таъсир этишга қаратилган усул ва воситалар йисиндиси 1.

Юқоридаги атамалар тахлили натижасида “замонавий тарғибот технологиялари” тушунчасини тулик қамраб олувчи умумий таъриф берилмаганлиги ҳамда муаллифлик таърифи ишлаб чиқиш зарурати борлиги аникланди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш кесимида, мазкур тушунчага куйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Замонавий тарғибот технологиялари - масофадан туриб инсон қалби ва онгига муайян Ғоя, мафкура ҳамда хис-туғиғуларни бевосита ва билвосита сингдиришга қаратилган замонавий усул ва воситалар мажмуи.

Хулоса қилиб айтганда, тушунчаларга таъриф бериш ёрдамида урганилаётган муаммонинг мохиятини тулик англаб етиш ва уни тахлил қилишда тўғри ёндашувни танлаб олиш мумкин. Бирок, муаммони чуқур ва сифатли тахлил қилиш учун уни методикасини аниқлаб олиш лозим булади.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2019 йил 12 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари фаолиятини ташкиллаштириш бўйича Қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”ги 202-сонли буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2022 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 сентябрдаги (“Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича қўшимчачора-тадбирлар тўғрисидаги”) ПҚ-371-сонли қарори ижросини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 674 –сонли буйруғи.



3. Мирабдуллаева Ш.А. “Ҳарбий психология”, Дарслик. -Т.: ЎР ҚК Академияси, 2019. 490 б.

Интернет сайтлари

4. <http://lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

5. <http://tvt.uz/> - Электронная библиотека.

6. [www.акад.уз](http://www.акад.уз) - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси расмий сайти.